

Иқтисодий – ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

1 июль – Миллий валютаимиз – сўм муомалага киритилган кун

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир.

Ислом КАРИМОВ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони мувофиқ 1994 йил 1 июлдан мустақил мамлакатимиз асосий белгиларидан бири ва муҳим ривожланиш омили бўлган миллий валюта – сўм муомалага киритилди.

Сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатдан ҳам тарихий қадам бўлиб, мамлакатимиз солномасида муҳим ҳодисалар қаторида туради.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида сўз борар экан, аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ҳар тобора бунлама чуқур ўйланган, жаҳон таърибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, экспорт салоҳиятининг юксалиб бораётганлиги, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляциянинг жиловланганлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютаимизнинг барқарорлашиб бораётганлигини ҳам фахр билан тилга оламиз.

Зеро, миллий валютаимизнинг мустаҳкамлиги мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётганлиги ва молия-банк тизимининг ҳолатига чамбарчас боғлиқдир. Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида мамлакатимиз банк-молия тизимида етарли ресурс базаси ва ишончли захира яратилди. Энг муҳими, иқтисодиётимизни спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган жараёнлар таъсиридан ҳимоялаш бўйича зарур чоралар кўрилди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри ва мустаҳкам эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бор ўзини тўла-тўқис оқлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлиги таъминланган ҳолда унинг юқори суръатларда ривожланиши кузатилмоқда. Жумладан, сўнги беш йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари 3,7 баробар, шундан аҳоли омонатлари 5 баробарга ошганлиги миллий валютаимиз ва банк тизимида бўлган ишончнинг йил сайин ўсиб бораётганлиги ишботидир.

Кўплаб тараққий этган мамлакатларда иқтисодий танглик, хусусан, давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги, ишсизлик ва банк-молия тизимидаги беқарорлик тобора кучайиб, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайган, рецессияга юз тутган бир шароитда, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда 8,5 фоиз, 2011 йилда эса 8,3 фоизга ўсди.

2011 йилнинг охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта фонди миссиясининг расмий баёнотида сўнги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этганлиги ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичларидан юқори эканлиги яна бир бор таъкидланди. Шунингдек, мазкур баёнотда қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг пастлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқироз оқибатларидан ҳимоя қилганлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари кескин пасайиб бораётган бир пайтда «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари «барқарор» баҳода тасдиқланиб келиниши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти халқаро экспертлар томонидан тан олинганлигининг далилидир. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошгани ва бу банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўп эканлиги эътиборга сазовор.

Миллий валютаимиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий салоҳиятининг ҳам ўзига хос кўзгусидир. Зеро, унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган.

Ўзбек сўмини қўлга олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Ғўри Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиклол» санъат саройи, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улугвор ҳайкали тасвирларига кўзи тушади.

Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод шуурида миллий ғурур туйғуларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз мустақиллигининг муҳим рамзларидан бири бўлган миллий валютаимиз мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон учун ифтихор тимсолидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётимиз мустаҳкам бўлгандагина миллий валютаимиз кучли бўлади. Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самаралари, Ўзбекистоннинг бутун дунёда эътироф этилаётган барқарор иқтисодий юксалиши миллий валютаимиз қудратининг ҳам ёрқин тасдиғидир.

ЎЗА.

Конунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқшингиз мумкин.



ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАР УЧУН ОЧИҚМИЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2012 йилдаги 178-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг Тошкент, Нукус ва Самарқанд шаҳарларида халқаро парвозлар учун аэропортлар очиш ҳақидаги таклифи қабул қилинди.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАКга Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда Тошкент, Нукус ва Самарқанд шаҳар аэропортларининг мақоми бўйича маълумотлар тайёрлаш ва аэронавигация ахбороти халқаро тўпламларида чоп этишни ташкиллаштириш топширилди. Шунингдек тегишли хизматлар МХХ, ДБК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ТИВнинг тегишли бўлинмаларини чегара, божхона, санитария ва ветеринария назоратини самарали амалга ошириш, шунингдек Тошкент, Нукус ва Самарқанд аэропортларининг ўтиш пунктларида виза билан таъминлаш учун текин асосда зарур хизмат хоналари, алоқа воситалари, асбоб-ускуналар ва махсус техника билан таъминлашлари керак.

ЁШ ОИЛАГА ОИЛАВИЙ КОРХОНА УЧУН МИКРОКРЕДИТ БЕРИЛАДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 22.06.2012 йилда 1697-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари, эндиликда ёш оилалар оилавий корхона шаклида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредит олишлари мумкин.

2012 йил 2 июлдан кучга киради.

2-бетда

1-бетда

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ТАБАҚАЛАШТИРИЛДИ

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 15.06.2012 йилда 2370-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом тасдиқланди. Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган олдин амал қилган Низом (рўйхат рақами 2221, 30.04.2011 йил) ўз кучини йўқотди.

Янги ҳужжат билан қимматли қоғозлар бозори мутахассисларига қўйилган малака талаблари табақалаштирилди. Олдин барча мутахассисларга бир хил талаблар назарда тутилган эди: олий маълумотга, қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатга, қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака гувоҳномасига эга бўлиш.

Эндиликда бозор мутахассисларига қуйидаги талаблар қўйилмоқда:

Тонфа	Маълумот	ҚҚБ мутахассисларини қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш курсини тугатганлиги тўғрисидаги таълим муассасасининг сертификати	Иш стажы
I тонфали малака гувоҳномасига эга қимматли қоғозлар бозори мутахассиси	Куйидаги мутахассисликлардан бири бўйича олий маълумот: молиявий-иқтисодий, юридик, математик ёхуд ахборот технологиялари – ёки бошқа соҳадаги олий маълумот	Бўлиши шарт	Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда, фонд биржаларида, бошқа биржалар фонд бўлимларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларидаги ишда охириги 10 йилда камида 2 йиллик иш стажы ёхуд юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотлардаги – 10 йилда камида 5 йиллик иш стажы
II тонфали малака гувоҳномасига эга қимматли қоғозлар бозори мутахассиси	Камида умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти	Бўлиши шарт	Назарда тутилмаган
Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва унинг таркибий тузилмалари, бошқа профессионал иштирокчилар ижроия органлари, фонд биржаси ижроия органи ва унинг таркибий тузилмалари, бошқа биржалар фонд бўлимининг раҳбари	I тонфали малака гувоҳномасига эга қимматли қоғозлар бозори мутахассислари учун белгиланган малака талабларига жавоб бериши лозим		
I ёки II тонфали малака гувоҳномасига эга профессионал иштирокчи, фонд биржаси, бошқа биржа фонд бўлимининг назоратчиси	Куйидаги мутахассисликлардан бири бўйича олий маълумотга: молиявий-иқтисодий, юридик, математик ёхуд ахборот технологиялари	Бўлиши шарт	Назарда тутилмаган

Иқтисодий ёки юридик фанлари номзоди ёки доктори илмий даражасига эга бўлган қимматли қоғозлар бозори мутахассисларидан қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш курсини тугатганлиги тўғрисидаги таълим муассасасининг сертификати талаб қилинмайди.


Хорижий давлатларда олинган олий маълумот ва илмий даража қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нострификация қилинган тақдирда эътиборга олинади.

2012 йил 25 июндан кучга кирди.

УШБУ СОНДА:	✓ УСТУВОРЛИКЛАР	– Янги технологиялар йўловчилар хизматида
	– Иқтисодий мустақиллигимиз тими соли	– Автотранспорт ижарасини расмийлаштирамыз
	1-бет	– Нималар керак?
	✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	– Масаланинг нархи 3-4, 7-бетлар
	– Янги ҳужжатларни тақдим этамыз	✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
	– Валюталар курси 1-2-бетлар	– ХУМШ: амалиёт ва муаммолар
	✓ АВТОМОБИЛЬ ВА ХУКУК	– Савол жавобсиз қолдирилмайди
	– Ҳайдовчига маслаҳатлар: техник кўриқдан ўтказиш қоидалари	5-6-бетлар
	– Спидометрга пломба нима учун керак?	✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
		– Ўриндош ишга қабул қилинганда...
		8-бет

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ ТАСДИҚЛАНДИ

Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 18.06.2012 йилда 2371-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) тасдиқланди. Стандарт интеллект



лектуал мулк объектлари (ИМО) ва номоддий активлар (НА) қийматини баҳолашнинг тушунчаларини, ахборотга қўйиладиган талабларни, баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалар ва қоидаларни белгилайди. Миллий стандарт баҳолаш ташкилотлари, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ҳамда НМА ва ИМО қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ҳамда улар қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини экспертизадан ўтказишда қўлланилиши мажбурий.

Чунончи, қуйидагилар баҳолаш объектлари ҳисобланади:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;

ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар;

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

интеграл микросхемалар топологияси;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау, геологик ва табиий муҳит ҳақидаги бошқа тижорат ахбороти);

комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси таркибида фирма номлари;

товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, шунингдек товар чиқарилган жой номлари.

ИМОга ёки НМАга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган лицензия, муаллифлик ёки бошқа шартномалар билан муҳофазаланган бошқа НМА ва ИМОлар ҳам баҳолаш объектларига киритилиши мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказишда баҳоловчи баҳолашнинг даромад, қиёсий ва харажат ёндашувларидан фойдаланиши (ёки фойдаланишдан воз кечиш сабабларини асослаши) лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалар баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш жараёнида фойдаланган ҳужжатларнинг нусхаларини, шунингдек баҳоловчи ташкилот лицензияси, баҳоловчиларнинг малака сертификатлари ва фуқаролик жавобгарлигининг суғурта полиси нусхаларини ўз ичига олиши лозим.

Миллий стандартни қўллашга доир услубий кўрсатмалар баҳолашга оид вазифани белгилаш, баҳолаш объектини идентификация қилиш, ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш ва бошқаларни ўз ичига олган.

2012 йил 28 июндан кучга кирди.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисгимиз

Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

ИДХ ВА БОЛТИКЕЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	28.06.2012	1	0,7856	1	0,9834	1	0,0239
Арманистон	28.06.2012	1	417,64	1	518,83	1	12,60
Беларусь	29.06.2012	1	8340,00	1	10370,00	1	253,00
Грузия	28.06.2012	1	1,6369	1	2,0455	1	4,9847
Қозғистон	29.06.2012	1	149,17	1	185,48	1	4,51
Қирғизистон	29.06.2012	1	47,1669	1	58,6143	1	1,4319
Латвия	29.06.2012	1	0,562	1	0,702804	1	0,0171
Литва	29.06.2012	1	2,7624	1	3,4528	10	8,3657
Молдова	28.06.2012	1	12,2625	1	15,3214	1	0,3715
Тожикистон	29.06.2012	1	4,7656	1	5,982	1	0,1448
Ўзбекистон	26.06.2012	1	1884,75	1	2382,81	1	56,23
Украина	28.06.2012	100	799,25	100	997,3042	10	2,4339
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

Ҳайдовчи техник кўриқдан ўтиш таомилидан ўтишга мажбур. Техник кўриқ талони бўлмаса, йўлга чиқиб бўлмайди. Янги машина ҳайдовчиларининг омади келган, биринчи марта техник кўриқдан ўтгандан кейин икки йил кўриқдан ўтилмайди. Қолган ҳайдовчиларга эса қийин, улар ҳар йили кўриқдан ўтишлари керак (бунда энгил машиналар назарда тутиляпти, автобуслар эса йилда икки марта техник кўриқдан ўтади). Ана шу мураккаб таомилдан муваффақият билан ўтиш учун тайёргарлик кўриш – у ҳақда батафсилроқ билиб олиш лозим. Алаҳусус, газетхонларимиз таҳририятга, «Бевосита мулоқот» хизмати телефони орқали ҳам муурожаат қилиб, бу ҳақда тез-тез сўрайдилар.



ҲАЙДОВЧИГА МАСЛАХАТЛАР: ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Хуллас, транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом¹ билан белгиланади.

Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриги (бундан кейин – техник кўриқ) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари (бундан кейин – ДЙХХХ) томонидан ўтказилади.

Куйидагилар техник кўриқдан ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш;

транспорт воситалари сонини, уларнинг ҳолатини, амалда мавжудлигини, тегишлилигини ва бошқа рўйхатдан ўтка-

зиш маълумотларни аниқлаштириш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан профилактика ишларини ташкил этиш;

йўл ҳаракати ва транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқни бузишлар ва жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва барҳам бериш.

Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, шунингдек троллейбуслар ва трамвайлар (бундан кейин – транспорт воситалари) мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши керак.

Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек ушбу ваколатхоналар ва ташкилот-

ларнинг ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган автотототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар умумий асосларда техник кўриқдан ўтказилади.

Жадвалнинг 1-бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта – 1 сентябрдан – 31 октябргача ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача, жисмоний шахсларга қарашлилари 1 январдан 31 августгача ўтказилади.

Транспорт воситаси техник кўриққа белгиланган муддатлар-

дан олдин тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолда транспорт воситасини техник кўриққа тақдим этиш муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарор транспорт воситаси эгаси – юридик ёки жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида ДЙХХХнинг тегишли ҳудудий бўлинмаси раҳбари томонидан қабул қилинади.

Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш даврийлиги жадвали

№	Транспорт воситалари	Даврийлиги
1	тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар; автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар; ўтириладиган жойлар сонини 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари; йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар	ёнгилига 2 марта
2	ишлаб чиқарилганлигига 5 йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага қиради) транспорт воситалари (1-бандда кўрсатилганларидан ташқари)*	2 йилда 1 марта
3	ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олганда ишлаб чиқарилганлигига 5 йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (1-бандда кўрсатилганларидан ташқари)*	бир йилда 1 марта
	тиркамалар*	тўртувчи транспорт воситасини учун белгиланган муддатларда

*ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилмайди, жадвалнинг 1-бандида кўрсатилганлардан ташқари.

4-бетда

¹ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.

СПИДОМЕТРГА ПЛОМБА НИМА УЧУН КЕРАК?

Мавзуга доир хат

Бизнинг МЧЖ кичик хусусий корхона ҳисобланади. Муассислари – жисмоний шахслар.

Жамиятимиз балансида Асака заводида ишлаб чиқарилган турли русумдаги 6 энгил автомашина қайд этилган. Ушбу автомобиллар хизматда фойдаланиш учун раҳбарларга бириктирилган. Раҳбарларнинг ҳаммасида «В» тоифасидаги ҳайдовчилик ҳужжатлари бор, бироқ улар профессионал ҳайдовчилик фаолияти билан шуғулланмайдилар. Биз бошқа жисмоний ва юридик шахсларга йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатмаймиз. Штатлар жадвалида ҳайдовчилар лавозимлари назарда тутилмаган.

Автотранспорт воситаларининг техник кўриги пайтида ДЙХХХ ходимлари:

1) автотранспорт воситалари спидометрларини стандартлаштиришдан ўтказиш ва пломбалар ўрнатилишини;

2) корхонада ҳайдовчиларнинг тиббий кўригини ўтказадиган тиббий ҳамширанинг бўлишини талаб қилмоқдалар.

Ушбу талабларнинг қўйилиши тўғрими? Спидометрға қандай қилиб пломба қўйиш мумкин, умуман бу мумкинми? Юк ва йўловчилар ташишга ихтисослашмаган хусусий корхона пломба ўрнатишига ҳожат борми?

Бизнинг тиббий ходимни ишга қабул қилишимиз ёки жамият раҳбарларини «рейс арафасида» тиббий кўриқдан ўтказиш учун хизмат қилишга тиббий муассаса билан шартнома тузишимиз шартми?

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда бу амалиётимизга тўғри келмайди, мақсадга номувофиқ ва тадбиркорнинг ишини қийинлаштиради. Ўйлашимизча, ташиш билан шуғулланадиган юридик шахслар ва автомобиллардан хизмат нотижорат мақсадлари учун фойдаланадиган юридик шахслар учун меъёрий талабларни аниқ чегаралаш керак.

МЧЖ директори.

– 1. Транспорт воситаларининг спидометрларини стандартлаштиришни ва пломбалар ўрнатишни қатъий талаб қилиб, Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари чамаси шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро автоташиш билан шуғуллана-

диган транспорт воситаларини сервис устахонаси пломбалари билан биргаликда назорат асбоблари (технографлар) билан таъминлаш бўйича лицензия талабларига риоя этишни назарда тутганлар (Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юк-

ларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом¹ 9-бандининг «к» кичик банди, бундан кейин – Низом). Бироқ ДЙХХХ ходимлари айна нимани талаб қилганликларини ва қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни асос қилиб кўрсатганликларини билмасдан туриб улар ҳаракатларининг ноқонунийлиги тўғрисида қатъий тарзда гапириш мумкин эмас.

2. Ўз хатингизда юридик шахснинг штатлар жадвалида ҳайдовчи лавозими назарда тутилмаганлиги, транспорт воситаларини корхона раҳбарларининг ўзлари ҳайдашларини кўрсатгансиз. Йўл ҳаракати қоидаларига² мувофиқ ҳайдовчи – йўлларда бирон-бир транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) 2-моддасининг тўртинчи хатбошисидан келиб чиқиб, «йўл ҳаракати қатнашчиси» термини остида йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс тушунилади. Тегишинча, йўл ҳаракати қатнашчилари – ҳайдовчиларга қўйилладиган барча талаблар корхонангиз раҳбарларига ҳам, корхонанинг штатлар жадвалида лавозимлари қандай номланишидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Қонуннинг 10-моддасига кўра транспорт воситаларини тегишли малакаси бўлган ва тиббий кўриқдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат этишлари транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати

хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятларига қиради. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини дастлабки тарзда мажбурий ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриқлардан, шу жумладан, йўлга чиқиш олдида ва йўлдан қайтганидан кейин тиббий кўриқлардан ўтказиш йўли орқали амалга оширилади (Қонуннинг 17-моддаси). Тиббий кўриқларни ўтказиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ ДЙХХХ йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назорат олиб боради. Бунда транспорт воситасининг эгаси – юридик шахс йўл ҳаракати қатнашчиси ҳисобланмайди, тегишинча, ДЙХХХнинг корхонада тиббий ҳамширанинг ёки тиббий кўриқ ўтказишга тиббий муассаса билан шартноманинг бўлиши (бўлмаслиги)ни назорат қилиш ваколати низоли масаладир. Бироқ уни транспорт воситасини техник кўриқдан ўтказиш доирасида кўриб чиқиб бўлмаслиги аниқ, зеро бу уни ўтказишнинг асосий қоидаларига ва, тегишинча, Низомга зиддир. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, мазкур масала бўйича хатда баён этилган ДЙХХХ ходимларининг талаблари ноқонуний деб биламиз.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
эксперт-юригимиз.

¹ВМнинг 14.07.2006 йилдаги 138-сон қарорига 1-илова.

²ВМнинг 11.12.2000 йилдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган.

Автотехнологиялар

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида автотранспорт соҳасига GPS (сунъий йўлдош орқали навигация) тизимини жорий қилиш масалалари муҳокама этилди.

Агентлик бошлигининг ўринбосари Ш.Шоваҳобовнинг таъкидлашича, айна пайтда шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган автобуслар учун сунъий йўлдош орқали навигация тизимини жорий этиш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда.

GPS мосламаларини жорий қилиш йўловчилар хавфсизлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўловчи транспорти ишини енгиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш имконини беради. Уларнинг татбиқ этилиши жараёнининг барча иштирокчилари – давлат тузилмалари, автокорхоналар, ҳайдовчилар ва йўловчилар учун фойдалидир.

Агентлик мутахассисларининг қайд этишича, сунъий йўлдош орқали навигация тизими ёрдамида реал вақт режимида автотранспорт воситаси қаерда жойлашганлиги, унинг соз ёки носозлигини аниқлаш, нима сабабдан белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланмаётганлиги, автобус кейинги бекатга етиб боргунча қанча вақт кетишини билиш мумкин. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган тақдирда ҳайдовчилар қутқарув ёки тез ёрдам хизматини махсус функция ёрдамида чақириш имконига эга. Бу борада GPS тизимига киритилиши мумкин бўлган яна кўплаб қўшимча функциялар ҳам мавжуд.

Айна вақтда мамлакатимиз бўйича шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган 68 та автобусга GPS мосламаси ўрнатилган. Жорий йил охиригача шаҳарлараро йўналишларда ҳаракатланадиган барча автобусларга шундай мосламаларни ўрнатиш режалаштирилмоқда. Агентлик биносида уларни кузатиш учун диспетчерлик пункти ташкил қилинган.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ЙИГИМЛАР

Транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) ЭКИХнинг ўндан бир қисми (бугунги кунда – 6 292 сўм) миқдорида йигим ундирилади.

Жадвалнинг 1-бандида кўрсатилган транспорт воситалари иккинчи марта техник кўриқдан ўтказилганлиги учун йигим ундирилмайди.

Мототранспорт, тиркамалар, ярим тиркамалар техник кўриқдан ўтказилганлиги учун ЭКИХнинг йигирмадан бири (бугунги кунда – 3 146 сўм) миқдорида йигим ундирилади.

воҳномасига (техник паспортига, талониға) ДЙХХХ органининг ходими белгиланган намунада штамп қўяди, созлиги тўғрисида «SOZ» сўзини қайд этади, имзо билан тасдиқлайди ва техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида талон беради (Низомға 5-илова).

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларға эға бўлган транспорт воситалари эғаларида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг рухсатномаси (зарурат бўлган ҳолларда) бўлиши керак.

Махсус ва тезкор хизматлар транспорт воситаларида махсус рангли ва овозли сиг-

ин – ТХС) ўтказилиши мумкин. Бунинг учун ТХС зарур шароитлар ва усқуналарға, шунингдек ДЙХХХ органлари томонидан берилган транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширишға ва мажбурий техник кўриққа тайёрлашға рухсатномаға эға бўлиши керак.

Текширишдан ўтган ва соз деб эътироф этилган ҳар бир транспорт воситасига ТХС белгиланган намунада техник ҳолат тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштиради ва беради. Маълумотнома берилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида (бирок юқорида кўрсатилган техник кўриқдан ўтказиш муддатларидан кеч бўлмаган муддатда)

сисларға эға бўлган ташкилотларда;

техника хизмати кўрсатиш станцияларида;

ДЙХХХнинг диагностика станцияларида;

ДЙХХХ органлари томонидан ўрнатилган техник назорат постларида ўтказилади.

Техник кўриқни ташкил этиш учун ДЙХХХ ҳудудий органлари томонидан юридик шахсларнинг буюртманомалари ва диагностика станцияларининг техник имкониятлари, об-ҳаво-иқлим, ишлаб чиқариш шароитлари ва бошқа шароитлар ҳисобға олган ҳолда жадвал тузилади. Бир кунда техник кўриққа қўйиладиган транспорт воситалари сони

ҲАЙДОВЧИГА МАСЛАХАТЛАР: ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган транспорт воситалари **такрорий техник кўриқдан ўтказилади. Уни ўтказганлик учун белгиланган миқдорларда йигим ундирилади.**

КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказишға ДЙХХХ органлари томонидан кўрсатилган жойға қўйилади.

Ҳар қайси транспорт воситасининг техник ҳолати ва жиҳозлари стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги жиҳатидан текширилади.

Ҳар қайси транспорт воситасининг техник кўриги рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада (техник паспортда, техник талонда) кўрсатилган маълумотларға транспорт воситаси тури, маркаси, модели, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари, шасси (рама), кузов ва двигателни идентификациялаш рақамларининг мувофиқлигини текширишдан бошланади.

Газ ёнилғисида ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларини техник кўздан кечиришда газ баллонларининг фойдаланиш муддати, ишлаб чиқарилган йили, завод рақами, газ баллонларини синовдан ўтказиш муддатлари, газ баллони анжомларининг белгиланган талабларға мувофиқлиги ҳам текширилади.

Тиркамалар ва ярим тиркамаларнинг техник ҳолати ҳам автопоезд таркибида, ҳам алоҳида турган ҳолатида текширилади.

Техник кўриқдан ўтган транспорт воситаларига тегишли далолатнома тузилади (Низомға 3, 4 ёки 4а-иловалар). Техник кўриқдан ўтган транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гу-



наллар қурилмаларининг мавжудлиги, созлиги ва қонунийлиги, шунингдек транспорт воситасининг ранг-график бўяш схемаларининг стандартлар талабларига мувофиқлиги текширилади.

Консервацияға қўйилган транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда уларнинг бутлиги текширилади. Транспорт воситасининг соз ҳолатдалигига ДЙХХХ ходимида шубҳа туғдирадиган сабаблар мавжуд бўлганда транспорт воситасини ғилдиракларини чиқариш учун тагликлардан кўзғатмаган ҳолда унинг двигатели ва трансмиссиясининг ишлай олиши текширилади.

ТХСДА ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТИШ

Транспорт воситасининг техник ҳолатини текшириш уларнинг эғалари хоҳишиға ва улар билан тузилган шартномаға асосан техника хизмати кўрсатиш станцияларида (бундан кей-

амал қилади ва транспорт воситаларининг техник ҳолатини текширмасдан уларни техник кўриқдан ўтказиш натижалари ДЙХХХ органларида расмийлаштирилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ

Юридик шахслар транспорт воситаларининг техник кўриги транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган (вақтинча рўйхатдан ўтказилган) жойда:

зарур шарт-шароитларға (техник диагностика усқуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларға, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончаға) ва малакали мутахас-

мавжуд диагностика ва назорат-ўлчаш усқуналарининг кунлик унумдорлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Жадвалдан келиб чиқиб ДЙХХХ юридик шахсға **техник кўриқ ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома** юборади, унга транспорт воситалари гуруҳлари (Низомға 3-илова) ёки алоҳида транспорт воситаси (Низомға 4-илова) техник кўриқ далолатномаси бланкалари илова қилинади. Техник кўриқ далолатномалари бланкалари талаб этиладиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда (техник ҳолат тўғрисидаги маълумотлардан ташқари) транспорт воситалари рўйхатиға мувофиқ тўлдирилади.

Бошқа юридик ёки жисмоний шахсларға ижараға берилган транспорт воситалари ижараға берувчида ёхуд улар вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойдаги ДЙХХХ органларида ижараға берувчи учун белгиланган муддатларда

БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Маърифий мавзудаги нашр*

МУНДАРИЖА:

- ✓ **ХУМШ:**
амалиёт ва муаммолар
- ✓ **Савол**
жавобсиз қолдирилмайди



Қонун чиқарувчилар назоратида

ХУМШ: АМАЛИЁТ ВА МУАММОЛАР

«Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти: амалиёт ва муаммолар» – Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган семинар шу мавзуга бағишланди.

Семинарда таъкидланганидек, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган бўлиб, у хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, кўп квартирали уйларда жойлашган хонадонлар мулкдорларининг умумий улушли мулкдаги ўз улушларига мувофиқ унинг сақланиши бўйича умумий харажатларда қатнашиши, ушбу уй-жойларда жойлашган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган мулкдорлар томонидан умумий мол-мулкдан фойдаланиш ва уни биргаликда бошқариш, сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Бугунги кунда республикада 30 708 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, шундан 28 770 та кўп квартирали уйларга 4 979 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш борасида ҳали ўз ечимини кутаётган бир қатор камчиликлар мавжуд эканлиги таъкидланди. Жумладан, вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашлари томонидан мазкур Қонуннинг ижроси ўрганилмаган ва муҳокама этилмаган. Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Қонуннинг 6-моддасида кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари билан ширкат ўртасида шартномалар тузиш белгиланган бўлса-да, амалда жойларда бундай шартномалар тузилмаган. Қонуннинг 35-моддаси талабларидан келиб чиқиб, кўп квар-

тирали уйлар атрофидаги ер участкалари шаҳар ва туман ҳокимликларининг қарорлари билан уларга бириктириб берилмаган. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги оммавий ахборот воситаларида Қонуннинг мақсади, мазмун-моҳияти, ширкатларнинг афзалликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган бошқарув ва хизмат кўрсатиш (сервис) ташкилотларини ташкил этишнинг илғор тажрибалари етарлича ёритилмаяпти, тарғибот ишларига лозим даражада эътибор қаратилмаяпти.

Семинар якунида иштирокчилар муҳокама этилган масалалар ва билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муносабатларни тартибга солиш ва янги сифат даражасига олиб чиқиш мақсадида «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш лозимлигини қайд этишди.

Қўмита йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди.○

www.parliament.gov.uz материали асосида тайёрланди.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



САВОЛ ЖАВОБСИЗ ҚОЛДИРИЛМАЙДИ

Уй-жой ва коммунал хўжалигининг турли соҳаларига оид саволларга Уй-жой фондининг профессионал бошқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмасида (бундан буён матнда Уюшма деб юритилади) тезкорлик билан жавоб олиш мумкин. Ҳар ҳафтанинг сешанба куни ана шу идора мутахассислари 235-90-31 телефони орқали маслаҳат бериб борадилар. Бошқарувчи компанияларни (БК) ҳамда уй-жой хизматлари бозорини ривожлантиришга ёрдам берувчи Уюшма фаолиятининг йўналишларидан бири ҳам шу.

Маслаҳатчиларга кўпроқ қандай масалалар юзасидан мурожаат этилаётганлигига келсак, саволлар асосан профессионал бошқарувчи ташкилотлар фаолиятига, қолаверса, мазкур ташкилотларнинг хизматлари буюртмачиси бўлмиш ХУМШларга тааллуқлидир. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, мурожаатлар таҳлили БКлар ривожланишидаги муайян тамойиллардан далолат бермоқда. Мамлакатимиздаги кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатишда асосий роль ўйнайдиган ана шу тузилмалар аста-секин муҳим мавқени эгаллаб бормоқда. Саволларнинг аксарияти БК фаолиятининг турли жиҳатларига, хусусан унинг ташкил этилиши, кўрсатадиган хизматлари доираси, бу хизматлар баҳоси қай тартибда белгиланиши ва шу сингариларга тааллуқлидир. Маслаҳатчилар аҳолининг профессионал бошқарув афзалликларидан хабардорлик даражаси ошиб бораётганлигини қайд этмоқда. Кўпгина ХУМШлар шартнома асосида бошқарув ва умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш хизматларига буюртма бериш ниятида эканлиги боис яхши ишлаётган БКлар манзилени сўрамоқдалар. Бироқ бошқарувчи компаниялар раҳбарларида ўз тасарруфидаги тузилмаларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида баъзан аниқ тасаввур йўқлиги, қай йўсинда ишлаш лозим эканлигини тузукроқ билмасликларидан далолат берувчи мурожаатлар ҳам бор. Демак, бу йўналишда ҳуқуқ борасида мунтазам равишда ялли саводхонликни ошириш зарур. Маслаҳатлашувлар ана шу ишнинг ўзак қисмларидан биридир.

ХУМШ РАИСИ БК РАҲБАРИМИ?

Уюшманинг ижро этувчи директори Раҳима Ортиқова:

– Уй-жой хизматлари бозори ривожланиб, бундай хизматларга талаб-эҳтиёж ортиб боргани сари бошқарувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган таклифлар рўйхати изчиллик билан кенгайиб бормоқда. Ҳозирча умумий амалиёт шундайки, БКлар бир вақтнинг ўзида бошқарув ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматларни тақдим этмоқдалар. Бу улар фаолиятининг бошланғич босқичига хос нарса. Лекин бошқарувчи компанияларнинг баъзи раҳбарлари ана шу хизматларни ажратиш хусусида ўйлай бошладилар. Шу сабабли ҳам улар БК уй-жой фондини бошқариш билангина шуғулланиши мумкинмикин, деган савол ҳақида бош қотирмоқда. Шундай қилиш мумкин, албатта. Бошқарув мулкдорлар умумий мол-мулкни сақлаш ва асрашда асосий



бўгин саналади. Бу аслида жуда мураккаб ишдир. Унинг техник ҳолати бевосита билимдонлик билан қабул қилинган бошқарув қарорларига боғлиқдир. Шу сабабли БК мазкур йўналишда ихтисослашишга аҳд қилган бўлса, унинг хизматларига албатта эҳтиёжманд топилади. БК ташкилотчилари ўз имкониятлари ва ма-лакаларидан, бу йўналишдаги иш тажрибасидан келиб чиқиб қарор қабул қилмоқлари лозим. Европа мамлакатларида бошқарув ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги хизматлар бир-биридан ажратилган. Уларда ихтисослашув

янада торроқ ўзан орқали бормоқда. Айтайлик, компаниялар бошқарув хизматларининг айрим турларини кўрсатиш билан шуғулланиш йўлига ўтган. Мамлакатимизда ҳозирча бундай бошқарувчи компаниялар кам.

Уюшмага тушаётган мурожаатларга қараганда айрим бошқарувчи ташкилотлар кўп квартиралли уйлар учун смета ишлаб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни хоҳлайди. Шу муносабат билан уларда бу ишни ким бажариши мумкин, фаолиятнинг бу тури учун лицензия олиш шартми, қабилдаги саволлар пайдо бўлмоқда.

Йирик қурилиш объектлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан лицензияси бор сметачилар шуғулландилар. Бироқ кўп квартиралли уйда капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш бутунлай бошқа ҳажмдаги ва хусусиятдаги ишдир. Шубҳасиз, смета профессионал даражада, билимдонлик

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

билан тузилиши учун бундай ишга дипломли мутахассисларга ишонмоқ лозим. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: гап кўп қаватли уйда капитал таъмирлаш ишлари хусусида борганда бундай мутахассисларга лицензия керакмикин?

Капитал таъмирлаш учун сметалар ишлаб чиқишнинг баҳосини БКда шакллантириш масаласи ҳам жумбоқ бўлиб турибди. Бир тарафдан олганда, биз бозор иқтисодиёти шароитида яшамокдамиз, бинобарин хизматларга бўлган баҳо шартнома асосида бўлиши мумкин. Бошқа тарафдан қараганда эса ҳар бир ходим ва мутахассис малакасини тасдиқловчи тоифалар бор. Бошқарувчи ташкилотлар уларнинг хизматларига баҳо белгилашда ана шу нарсани инобатга олишлари керакми? Ишнинг ўзига хос томонлари ва ҳажмларидан келиб чиқиб сметачилар гуруҳининг миқдор таркибини белгиловчи нормативлар бор. Ана шу талабларни уйнинг капитал таъмирланиши сметасини ишлаб чиқишда БКларга татбиқ этса бўладими? Бу ва бошқа масалалар қатъий ҳуқуқий механизм ишлаб чиқишини талаб қилмоқда.

Бугунги кунда бизга қилинаётган мурожаатлардаги муаммолар кўп квартираларни уйни асраш ва таъмир этиш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Умумий мол-мулк таъминотида доир ҳар бир тадбир муайян регламентга эга бўлиши, натижа талаб даражасида бўлиши учун ҳам шундай қилиш керак. Бу нарса жой мулкдорларига, шунингдек уйни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчиларга ўз муносабатларини аниқ таърифланган нормалар асосида олиб бориш имконини беради.

Уюшмага пайдар-пай келиб тушаётган мурожаатларда кўзга ташланаётган яна бир муаммо шундаки, одамлар БК тузмокдалар, аммо у қандай ишлаши лозимлигини яхши билмайдилар. Масалан, маслаҳат олгани келган

бир БК раҳбари мен бошқарувчи ташкилот очдим, энди нима қилишим керак, қандай иш юритмоғим лозим деб сўради. Ҳолбуки у бу саволни шу соҳада бизнес ишини юритишдан олдин бериши, нима учун бу ишга қўл ураётганлигини ўйлаб кўриши, имкониятларини чамалаши, буюртмачиларнинг эҳтимолий бозорини ўрганиб чиқиши, буюртмачиларни жалб этиш учун нималар қилиш кераклигини ўйлаши, хуллас ишда ютуқни таъминлайдиган кўп жиҳатларни чамалаб кўриши лозим эди. Акс ҳолда аввалбошданок иши юришмаслиги, бунга эса ўзи сабабчи бўлиши мумкин.

БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТ БОШҚА ТУМАНДАГИ УЙГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШИ МУМКИНМИ?

**Уюшма мутахассиси
Башорат Жумаева:**

– Пойтахтимизнинг бошқа-бошқа туманида жойлашган иккита ХУМШнинг ижрочи директори бўлиб ишлаётган аёл бизга ана шундай савол билан мурожаат этди. У ХУМШдан кетиб профессионал бошқарувчи ташкилот тузишни мўлжаллаб юрган экан.

БК фаолияти битта туман ёки жўғрофий тегра билан чекланиши мумкин бўлмаган юридик шахс, тижорат тузилмасидир.

Ўз ширкати ишидан кўнгли тўлмаётган уй аҳли маслаҳат олиш учун уюшмамизга келди. Улардаги вазиятни ноодатий дейиш қийин: уйнинг техник ҳолати йилдан йилга ёмонлашиб бормоқда, неча йиллардан бери том-



дан чакка ўтади, коммуникация яроқсиз, одамлар тўлаган бадаллари нимага сарфланаётганини билмайдилар ҳам. Ширкат тамомила ижрочи директор измида, ширкат раиси ҳам унинг гапини икки қилмайди. Одамларга ҳар йили уйни таъмирлаб берамиз, деб ваъда қилишади, аммо иш шундан нарига ўтмайди. Шу сабабли квартира мулкдорлари ширкатдаги вазиятни тубдан ўзгартирмаса бўлмаслигига ишониб қолишган.

Биз уларга сметада режалаштирилган маблағлар ҳисоб-китоб варағига вақтида тушган тақдирдагина ХУМШ таъмирлаш ишларини амалга ошириши мумкин, деб тушунтирдик. Энг аввало мулкдорларнинг ўзи умумий мол-мулк таъминоти, асралиши, яхши ҳолатда сақланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим. Устидан шикоят қилинаётган раис уларга бегона эмас – ўз кўшинлари: шу кўп қаватли уйда яшайди. Бундай вазиятда айбдорни излашдан маъни йўқ. Уй-жой кодексига, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига оид Қонунга* мурожаат этиш керак – уларда бундай мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек уларнинг ташкилотлари, яъни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз аксини топган. Хусусан, умумий йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш; раисни сайлаш; уйга оид ишларни режалаштириш, даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда мажбурий бадал миқдори ҳисобини ишлаб чиқиш; ХУМШ фаолиятини ва маблағлар ҳаракатини назорат қилиш; умумий мол-мулкни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш усуллари-ни ХУМШ аъзолари томонидан танлаш ва шу сингари масалалар юзасидан аниқ тавсиялар мужассам топган.

ХУМШ раиси ва ижрочи директорнинг иши маъқул бўлмаётган экан, ўзингиз яшаб турган кўп қаватли битта уй алоҳида ширкат бўлиб ажралиб чиқиши тадориғини кўринг, шунда хизматларга буюртмачи ҳам ўзингиз бўласиз.

*12.04.2006 йилдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-32-сон Қонун.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



БКни танлов асосида танлаб тегишли шартнома тузишингиз мумкин.

Бир қанча мурожаатлар БКлар раҳбариятида бозор кўникмаси йўқлигидан шохидлик бермоқда. Улардан баъзилари ўз бизнес ишини билимдонлик билан режалаштира олмайди, ширкат тимсолидаги мижозларни қай йўсинда жалб қилишни билмайди. Гап уй-жой хизматлари бозорини шакллантириш тўғрисида бораётган бир шароитда бизнес соҳасидаги тузилмалар мижоз учун курашга киришадилар. Рақобат эса бозорни ривожлантиришнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади ва унда бугунги кунда профессионалларнинг кўли баланд келмоқда. ХУМШ раҳбарлари ва кўп қаватли уйда яшайдиганларнинг ишонса бўладиган БКларни тавсия этиш илтимоси билан қилган мурожаатлари ҳам шундан далолат бермоқда. Мулкдорлар, ширкатлар хизматлар бозорида омилкорлик асосида иш тутадиган буюртмачиларга айланмоғи лозим, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар эса буни албатта инобатга олишлари даркор.

ДЎСТЛИК ҒОЛИБ ЧИКАДИ АЛБАТ

Уюшма **маслаҳатчиси**
Раиса Ли:



– Уй-жой мулкдорлари ва ширкат раҳбарларидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Уларни ташвишга солаётган масалалар доираси анчагина кенг. Бундай масалалар орасида ХУМШни қай тартибда рўйхатдан ўтказиш, бухгалтерияни қай йўсинда

юритиш, таъмирлаш ишлари бажарилишини қанақа қилиб назорат этиш, бошқарув ҳамда хизмат кўрсатиш хизматлари юзасидан кимга буюртма бериш ва шу сингарилар бор. Шу йўналишда таълимни ошириш талаб-эҳтиёжи кўп қаватли уйда яшайдиганлар ва ХУМШ раҳбарларидан келиб чиқмоқда. Бу эса мулкдорлар фаоллашиб қолганлигини, уларнинг психологияси ўзгариб бораётганлигини кўрсатмоқда. Кўпчилик кўп қаватли уйнинг ҳолати уларнинг ўзларига боғлиқ эканлигини тушуниб олди.

Кўпинча яхши ишлаётган бошқарув компаниясини тавсия қилишимизни сўрашади, уйни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини шундай компанияга шартнома асосида бермоқчи бўлишади. Қувонарли томони шундаки, баъзи ширкат аъзолари таъмирлаш ишлари ўтказилишини, ўз маблағлари сарфиётини назорат қилиб бормоқдалар. Бундай жамоатчилик назоратига битта мисол келтириш мумкин. Ширкат ҳаракати билан уйдаги иситиш тизимини таъмирлаш ишлари ўтказилди. Бу ишни шартнома асосида пудрат ташкилоти амалга оширди. Мулкдорлардан бири – ХУМШ раисининг маслаҳатчиси капитал таъмирлаш ишлари учун тузилган сметани текширди, уни материалларнинг жорий баҳолари билан солиштириб чиқди ва пудратчилар сметада харажатларни ошириб кўрсатганлигини аниқлади. Ширкат ортиқча тўланган маблағ қайтарилишини талаб қилди, ижрочи эса бундай қилишга шошилмади. Масалани моҳиятига етиш учун пудрат ташкилоти раҳбарига мурожаат этишимизга тўғри келди, шундан кейингина ширкат билан ижрочи ўртасида таъмирлаш ишлари юзасидан бир мурожага келинди.

Мурожаатларга қараганда, ширкат аъзолари ХУМШлар тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасидан фаол йўсинда фойдаланмоқдалар. Маълумки, бу моддага кўра айрим ҳолларда умумий йиғилиш жой мулкдори томонидан

мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлашнинг пул шаклини унинг умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Уйда яшайдиганлар ўз ҳисобларидан томни таъмирлашлари, уй ичидаги коммуникацияларни, лифтни таъмирдан чиқаришлари мумкин ва бунда қилган харажатлари компенсация қилинишига тўла ишонадилар. Таассуфки, кўпгина мулкдорлар, қолаверса ХУМШ раҳбарлари Қонуннинг ана шу моддасидан фойдаланиш механизмини билмайдилар, ҳаракатлар изчиллигидан ҳам беҳабардирлар. Шунинг оқибатида уларда кейинчалик муаммолар келиб чиқмоқда. *Ана шу регламент билан «Норма маслаҳатчи»нинг 5.06.2012 йилдаги 23 (360)-сонида муфассалроқ танишиш мумкин.*

Уйда ёки ширкатда ҳамма бир жону бир тан бўлиб иш тутса, ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкинлигига мурожаатлардан бири яхши мисол бўла олади. Бизга кўп қаватли бир уйда яшайдиган мулкдорлар мурожаат этиб, уйлари кўшни ширкатга қўшишини истаётганликларини айтишган. Бунинг сабабларидан бири уйлари ана шу ХУМШ таркибидаги бошқа уйлар билан бир ҳудудда жойлашган экан. Бу уйларга улар бир пайтнинг ўзида кўчиб киришган, борди-келдилари ҳам яхши. Бундай ширкатда бирга бўлишса, ишни янада яхшилаш осон кўчади, умумий мол-мулкни сақлаш, уйга туташ ҳудудни ораста тутиш масалаларини ҳал этиш ҳам осон. Биз муфассал тушунтиришдан сўнг уйнинг ХУМШга қўшилиши механизмини тартибга солувчи бир туркум ҳужжатларни бердик. Орадан маълум вақт ўтгач, улар бизга яна маслаҳатга келишди, энди уларни ўз уйлариининг бошқаруви, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар қизиқтирмоқда экан. Ишга бу йўсинда, омилкорлик билан ёндашув кимни завқлантирмайди дейсиз?! Зотан дўстлик ҳал этмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. ○

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ҲАЙДОВЧИГА МАСЛАХАТЛАР: ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

4-бетда техник кўриқдан ўтади.
Техник кўриқ бошланишидан камида **10 кун олдин юридик шахс ДЙХХ-Хнинг ҳудудий органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**



юридик шахсга илгари юборилган, юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтер (бош бухгалтер функциясини бажарувчи шахс) томонидан имзоланган, юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган техник кўриқ далолатномасининг бир нусхаси;
техник кўриқдан ўтказганлик учун йиғимнинг белгиланган суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириғи, квитанция);

мукамал таъмирлашда, хизмат сафаридан бўлган, ижарага берилган ёки сотишга қўйилган транспорт воситалари сонини тасдиқловчи маълумотлар;
газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг амалдаги давлат стандартларига мослиги бўлган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати нусхаси;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхаси.

ХУСУСИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Жисмоний шахслар транспорт воситаларининг техник кўриғи ҳам транспорт воситалари рўйхатдан ўтказиладиган (вақтинча рўйхатдан ўтказиладиган) жойдаги:

ТХСларда;
ДЙХХнинг диагностика станцияларида;
ДЙХХ органи томонидан белгиланган техник назорат постларида;

транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган жамбавий гараж ҳудуди-

да, автомобиллар тўхташ жойларида ўтказилади.

Транспорт воситаларининг техник кўриғи иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларининг бирида ўтказилади.

Техник кўриқдан ўтказиш учун **транспорт воситаси эгаси** ёки унинг ваколатли шахси **томонидан қуйидаги ҳужжатлар кўрсатилади:**

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат (ҳарбий хизматчилар – шахсий гувоҳнома ва турар жойидан маълумотнома; белгиланган тартибда, ТИВ ёки Адлия вазирлигида аккредитация қилинган халқро ва хорижий ташкилотлар ходимлари тегишинча ТИВ ёки Адлия вазирлигида аккредитация қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган аккредитация карточкалари ва миллий паспортлари;

бошқа хорижий фуқаролар – ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилган миллий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси; фуқаролиги бўлмаган шахслар – Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси);

техник кўриқдан ўтказишга берилган транспорт воситасига мувофиқ тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига ҳайдовчи гувоҳномаси;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома (техник паспорт, техник талон);

транспорт воситасини бошқаришга яроқлилиқ тўғрисида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома;

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг газ баллонларини синовдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси мавжуд бўлган ташкилот томонидан газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг газ баллонлари синовдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

сертификатлаштириш органи томонидан берилган, газ ёнилғисидан ишлаш учун қайта жиҳозланган транспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларининг мувофиқлик сертификати нусхаси.

Шунингдек қуйидаги ҳужжатлар лозим:

техник кўриқдан ўтиш учун белгиланган йиғим суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция);

ТХСнинг транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси (*шундай маълумотнома бўлганда*).

Транспорт воситасини белгиланган муддатда техник кўриқ-

дан ўтказиш жойига олиб бориш мумкин бўлмаган тақдирда унинг эгаси ёзма ариза тақдим этади. ДЙХХнинг ҳудудий органи ходими эса рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасига (техник паспортга, талонга) носозлик тўғрисида «NOSOZ» ёзувини қайд қилади. Носозлик бартараф этилгандан кейин транспорт воситаси эгаси уни, барча зарур ҳужжатларни кўрсатган ҳолда техник кўриққа кўяди.

Эгасининг йўқлиги ёки касаллиги оқибатида техник кўриқдан белгиланган муддатларда ўтказилмаган транспорт воситалари эгаси қайтиб келгандан ёки соғайгандан кейин 10 кун мобайнида техник кўриқдан ўтказилади.

Техник кўриқ натижалари транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасида, шунингдек ДЙХХ ҳудудий органларининг ҳисобга олиш ҳужжатларида қайд этилади.

Рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, ҳисобдан чиқариш учун ёки (*битта транспорт воситасини кўриқдан ўтказиш далолатномасини албатта тақдим этиш талаб қилинадиган*) бошқа ҳолатларда транспорт воситаси эгасининг ёзма аризасига кўра ДЙХХнинг ҳудудий органи ходими томонидан у жойлашган жойда техник кўриқдан ўтказишлар. Тузилган далолатнома берилган вақтидан бошлаб 30 кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Техник ҳолати ва жиҳозлари йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларидан ҳатто биттасига жавоб бермайдиган транспорт воситаси носоз ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХ органи томонидан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасининг **давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари камчиликлар ва носозликлар бартараф этилгунга қадар ечиб олинади.**

Бундай транспорт воситасини такрорий кўриқдан ўтказиш олдинги кўриқдан ўтказилган вақтидан бошлаб 20 кундан кечикмай ўтказилади. Бу ҳолда техник ҳолатни текшириш фақат олдинги кўриқдан ўтказишда йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаган кўрсаткичлар бўйичагина ўтказилади. Кўрсатилган муддатлар бузилган тақдирда техник ҳолатни текшириш тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
эксперт-юристуши.

Нотариус жавоб беради

АВТОТРАНСПОРТ ИЖАРАСINI РАСМИЙЛАШТИРАМИЗ

Нотариуслар автотототранспорт воситаларини бошқа шахсларга беришнинг қандай шартномаларини тасдиқлайдилар?

– Нотариуслар автотототранспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар рақамли агрегатлари – тиркамаларнинг фуқаролар ўртасида, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида, шунингдек юридик шахслар ўртасида содир этиладиган ижара битимларини тасдиқлайдилар.

Автотототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомга (*ВМнинг 1.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган*) мувофиқ нотариуслар томонидан автотототранспорт воситалари билан боғлиқ олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган «Давлат белгиси» ДМКда тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Бунда гербли (махсус) бланкада бошқа шахсга бериш битимининг фақат биринчи нусхаси тасдиқланади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотототранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга автотототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди, лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган ёки қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автотототранспорт воситалари бундан мустасно.

НИМАЛАР КЕРАК?

Автотранспорт воситаси бошқа шахсга ижарага берилганда нотариусга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?

– **Фуқаролар ўртасида** автотототранспорт воситаларининг ижара битимини тасдиқлашда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

ҳуқуқни белгиладиган ҳужжатлар (тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл-қурилиш машиналари учун ДЙХХ ёки «Ўзавтотеххизмат» органи томонидан бериладиган транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси, автотранспорт воситаларининг рақамли агрегатлари ва узеллари учун белгиланган шаклдаги маълумотномалар);

агар автотототранспорт воситасини эр-хотин биргаликдаги никоҳ вақтида харид қилишган бўлса – нотариус томонидан тасдиқланган, ижарага берувчининг эри (хотини) ёзма розилиги;

давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Агар ижарага берувчи **юридик шахс** бўлса, қуйидагилар тақдим этилади:

устав (таъсис ҳужжатлари);

давлат рўйхатидан ўтказилиш гувоҳномаси;

директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисида баённома (муассиснинг қарори);

лавозимга киришганлиги тўғрисида директорнинг буйруғи;

автотототранспорт воситасининг ижарага берилиши тўғрисида баённома (муассиснинг қарори);

автотототранспорт воситасининг ижарага берилиши тўғрисида буйруқ;

ижарани баҳолашнинг биргаликдаги далолатномаси;

автотототранспорт воситасини қабул қилиш-топшириш далолатномаси.

МАСАЛАНING НАРХИ

Автотототранспорт воситасининг ижара шартномасини тасдиқлаш учун қандай бож тўланади?

Давлат божи ставкалари (*ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган*) 4-бандининг «д» кичик бандига кўра юқорида кўрсатилган шартномани тасдиқлаш учун **шартнома суммаси 1,0%и миқдорда, бироқ энг кам иш ҳақининг 20%идан кам бўлмаган** миқдорда бож белгиланган. Бундан ташқари, адлия вазирининг 22.12.2010 йилдаги 98-ум-сон буйруғига кўра нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари бўйича тушунтиришлар берганлик учун ЭКИХнинг 5%, шунингдек битимлар лойиҳаларини тузганлик учун ЭКИХнинг 5%и миқдорда тўлов ундирилади.

Азиза ШОНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳар Миробод туман 9-давлат
нотариал идорасининг нотариуси.

ЎРИНДОШ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНДА...

• МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРИ

Куйидаги масалани ҳал қилишда ёрдам берсангиз.

Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарорига кўра меҳнат ҳақининг энг кам миқдори 155 790 сўм қилиб белгиланган. Бу ҳол ўриндошларга ҳам татбиқ этиладими? Биз ўриндошларга 155 790 сўмдан паст бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисоблашимиз шартми ёки Меҳнат кодексининг 160-моддасига кўра, уларга иш ҳақини меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра белгилаш ҳуқуқига эгамизми?

Б.Ғаффоров,
ХК бош бухгалтери.


– Саволингизга тартиб билан таҳлил қилган ҳолда жавоб берамиз.

1 разрядни белгилаб, айна вақтда ноль даражали разрядни бекор қилиш ва амалдаги тариф коэффициентларини сақлаб қолиш, шунингдек энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб тариф ставкаларини (лавозим маошларини) белгилаш тартиби ҳусусида куйидагиларни айтиш мумкин.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ВМнинг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида» қарорининг (18.03.1996 йилдаги 103-сон) 3-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини қўллаш бюджетдан маблағ билан таъминланадиган барча муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир. Бунда мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ходимларнинг тариф-малака разрядларини Ягона тариф сеткаси асосида белгилаш тавсия этилган.

Иккинчидан, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорининг (30.12.2012 йилдаги ПҚ-1675-сон) 4-банди билан 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди этиб биринчи разряд белгиланган, нолинчи разряд бекор қилинган.

Учинчидан, Президентнинг ПҚ-1675-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролин янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 11.01.2012 йилдаги 6-сон қарори 3-банди билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш-



ни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилаш ҳуқуқи берилган.

Шу тариқа, саналган меъёрларнинг мазмуни меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасидан фойдаланиш бошқа мулкчилик шаклларидаги хўжалик субъектлари учун (бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда давлат корхоналаридан ташқари) мажбурий эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Бироқ асосий иш жойидаги меҳнат ҳақи миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан (1.12.2011 йилдан – 62 920 сўм) бўлиши мумкин эмас (Меҳнат кодексининг (МК) 153, 155-моддалари).

Ўриндошларга ҳақ тўлаш масаласини тартибга солишга келсак, тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади (МК 119-моддасининг учинчи қисми).

Бинобарин, ўриндошларнинг меҳнат ҳақи ҳақиқатда бажарилган иш учун меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви бўйича белгиланиши (МКнинг 160-моддаси), яъни ишланган вақт ёки маҳсулотга мутаносиб равишда ҳисобланиши ва энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши ҳам мумкин.

Мен ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлайман. Меҳнат шартномасида менга 12 кунлик йиллик таътил белгиланган. Менга ўриндош эканлигим сабабли таътил иккига бўлинишини тушунтиришди (24 иш куни – асосий ходим учун). Шу тўғрими?

Динара.

• ТАЪТИЛ МУДДАТИ

– Йўқ, тўғри эмас.

МКнинг 160-моддасига мувофиқ ўриндошлик – ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтда меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришдир.

МКнинг 133-моддасига кўра барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади (МКнинг 134-моддаси).

Ўриндошлик асосида ишлаётганларга таътил асосий иш жойидаги таътил билан бир вақт-

да, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда берилади (МК 143-моддасининг учинчи қисми).

Бунда тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади (МК 119-моддасининг учинчи қисми).

Шу тариқа, сиз билан тузилган меҳнат шартномасининг таътил тўғрисидаги шартлари МКнинг 119 ва 134-моддаларига зиддир ҳамда қўлланиши мумкин эмас, чунки сизга 24 иш куни муддатида давом этадиган таътил берилиши керак.

• БЎЛҒУСИ ОНАЛАРНИ ИШДАН БЎШАТИШ

Марҳамат қилиб айтсангиз, ходима ўриндошлик бўйича ишлайдиган ташкилот уни, бунинг устига ҳомиладор бўлса, розилигини олмасдан ишдан бўшатишга ҳақлими?

О.Солотова.

– Ўриндош бўлиб ишлайдиган, шунингдек штатдаги ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асослар МКнинг 97-моддасида белгиланган. Ўриндош билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун ўзига хос асос ҳам мавжуд – ўриндош ҳисобланмаган бошқа ходимни ишга қабул қилиш муносабати билан, шунингдек меҳнат шартлари бўйича ўриндошликка оид иш чекланиши оқибатида (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди).

Мазкур меъёрдан иш берувчи фойдалана олмайдиган ҳоллар ҳам мавжуд. Чунончи, ўриндошлик бўйича ишлайдиган ҳомиладор аёл билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш мумкин эмас, чунки ўриндошларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган кафолатлар татбиқ этилади (башар-

ти меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган бўлса).

МК 237-моддасининг биринчи қисмига кўра ҳомиладор аёллар ва 3 ёшгача боласи бўлган аёллар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан корхонанинг тўлиқ тугатилиш ҳоллари мустасно, бу ҳолда меҳнат шартномаси туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали албатта ишга жойлаштирилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Шу сабабли сизнинг ҳолатингизда ҳомиладор ходима эгаллаб турган лавозидан бўшатилиши мумкин эмас.

Бироқ ўриндош ҳомиладор ходима билан муддатли меҳнат шартномаси (муайян муддатга тузилган) унинг муддати тугаши билан бекор қилиниши мумкин (МКнинг 105-моддаси).

Шу тариқа, ҳаммаси ўриндошлик бўйича ишлаётган ҳомиладор аёл билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатига боғлиқ,

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юригимиз.

Реклама

«НOMBUR-AUDIT» МЧЖ

ЎзР МВнинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси

давлат улуши 50% бўлган барча хўжалик юритувчи субъектларда Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ

Барча малакали хизматларни кўрсатамиз

Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро сертификати, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга

Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49

Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571

Филиаллар:

Нукус ш., А.Темур кўч., 120

Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571

Қўлқўриш ш., А.Навоий кўч., 28

Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.

Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.

Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.

Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,

Миробод тумани,

Таллимаржон кўч., 1/1,

тел. 283-44-57

E-mail: gazeta@norma.uz,

normapress@mail.ru

www.norma.uz

Нашр учун масъул:

Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ

босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 325 Адади 3 275. Баҳоси келишилган нархда

Газета 2012 йил 29 июнда соат 21.00 да топширилди.

ISSN 2010-5223